
ТАДБИРКОРЛАР МУРОЖААТЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Маҳаллабай ишлаш жараёнида, сектордаги ҳамда шахсий қабулларда аҳоли вакиллари ва тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари эшитилиб, масалаларга ечим топиш, тадбиркорликни янада ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Ҳар ҳафтанинг душанба кунлари тадбиркорлар учун алоҳида қабул ташкил этилаётгани ҳам шу саъй-ҳаракатлардан биридир.

Бугун, 20 сентябрь куни туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов “Тадбиркорлар уйи”да тадбиркорлар ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагида бўлган шахсларни қабул қилди.

Қабулда 15 нафар шахслар расман рўйхатга олиниб, ҳоким билан юзма-юз гаплашдилар ҳамда бизнес режалари, ғоя ва таклифларини баён қилдилар.

Қабул жараёнида 2-сектор раҳбари, туман прокурори Санжарбек Аминжонов ҳам иштирок этди.

Масъуллар иштирокида ўтказилган қабулда 8 та масалалар шу куннинг ўзида ижобий ҳал қилинди. Қолган мурожаатларни ҳам қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши секторлар раҳбарлари томонидан назоратга олинди.

Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ









2021-09-20 20:17:01